

ВНЕШНИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА БОЕВУЮ СИТУАЦИЮ, И ИХ ХАРАКТЕРИСТИКИ

Эргашева Юлдуз Халиловна,

Ўзбекистон Миллий университети “Картография” кафедраси ўқитувчиси, 4-

Электрон почта: ergayulduz8@gmail.com

Моб тел: (90)-323-84-19

Номозов Сирож Абдухолик ўғли

Ўзбекистон Миллий университети, ГKK йўналиши, 4-босқич талабаси

Электрон почта: sirojnomozov771@gmail.com

Моб тел: (93)-334-71-71

Факторы боя определяют конкретные реакции, позу и поведение военнослужащих в боевых действиях. По данным военно-психологических исследований вид, условия и интенсивность боевых действий, характеристики применяемого оружия, надежность средств защиты носят временный характер и позволяют определить особую эффективность боевых факторов, таких как природно-географические условия, погода и климат.

Ключевые слова: боевая обстановка, инженерное обеспечение, оборона, боевые действия, спутники, баллистическая ракета, беспилотник.

ЖАНГОВАР ВАЗИЯТЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ТАШҚИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТИ

Аннотация

Жанговар омиллар жанговар ҳаракатларда ҳарбий хизматчиларнинг муайян реакциялари, ҳолати ва хатти-ҳаракатларини белгилайди. Ҳарбий психологик тадқиқотлар маълумотларига қараганда жанговар ҳаракатлар тури, шартлари ва интенсивлиги, ишлатиладиган қуролларнинг хусусиятлари, ҳимоя воситаларининг ишончилиги вақтинчалик бўлиб, табиий-географик шароит, об-ҳаво ва иқлим каби жанговар омилларнинг алоҳида самарадорлигини аниқлашга имкон бери.

Калит сўзлар: жанговар вазият, муҳандислик таъминоти, ҳимояланиш, жанговар ҳаракат, сунъий йўлдошлар, баллистик ракета, дрон.

Сўнгги пайтларда ҳарбий экспертлар ўз хусусиятларига кўра, ўлдирмайдиган қуроллар психотроник қуролларнинг жанг майдонларида қўлланилиши кузатилмоқда.

Ҳарбий техниканинг тўлиқ ҳаракатсизлиги, қурол-яроғ ва бошқарув тизимларининг бир вақтнинг ўзида ва катта ҳудудларда ишламай қолиши, психотроп дориларни (нейродепрессантлар, имобилизаторлар ва бошқалар) бўлинмаларга пуркаш, микротўлқинли печлар ва психотроник генераторлар таъсирида қарама-қарши душман қўшинларини қулай енгиш имкониятини беради.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, жангчининг жангдаги хатти-ҳаракатининг муҳим омили жанговар ҳаракатлар интенсивлигидир. Аниқланишича, юқори интенсивликдаги жанговар ҳаракатлар ҳарбий хизматчиларнинг ортиқча меҳнатини тез суръатда оширишга ва умумий психотравматизацияни паст интенсив ҳаракатларга нисбатан қарийб 1,2 барабарга оширишга ёрдам беради.[1]

Ҳаёт ритмларининг бузилиши (кучли фаолиятнинг одатий алмашинуви, уйқу, дам олиш, озиқ-овқат истеъмол қилиш ва бошқалар), иқлим шароитларининг тез-тез ўзгариши, ёмон об-ҳаво шароити ва бошқалар ҳам шахсий таркибнинг жанговар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

П.А.Иваньков, Г.В.Захаровлар ҳам жой жанговар вазиятнинг асосий омили эканлигини таъкидлайдилар [2. –Б. 11]. Жойнинг асосий элементларига йўллар, аҳоли турар жойлари, рельеф, дарё, ўрмон, ўсимлик-тупроқ қопламини, тоғ шароити, ўрмон-ботқоқлик, чўл, аҳоли турар жойлари ҳамда фасллардаги ўзгаришларнинг жанговар вазиятга таъсир этишини ёритишган.

Илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилишда жойни баҳолаш ва ундан турли жанговар масалаларда фойдаланишда жой муҳим омил эканлигига ва бу омил бугунги техника ривожланган асрда ҳам ўзининг қийматини йўқотмаганини кузатиш мумкин.

Замонавий жанговар ҳаракатлар ва операцияларни кузатар эканмиз жой жанговар вазият омилларига кирувчи экологик шароит, жанговар техника сони ва қуввати, инсоннинг психологик омиллари ўзига хос таъсир кучига эга лекин, бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, жанговар операцияларнинг фазовий кўлами, динамикаси ва қатъиятлилигининг ўсишига, вазиятни тавсифловчи ва қомондон учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш, қайта ишлашда дастлабки маълумот жой тўғрисида йиғилган маълумотдир [3. –Б. 169]. Ўз навбатида бундай жараён қомондоннинг жойда тўғри қарор қабул қилинишини таъминлайди.

Турли даврлардаги жанговар позиция таҳлил қилиш натижасида муаллиф томонидан тузилди[1-жадвал]

Даврлар	Тадқиқотчилар	Жанг хусусияти
Кулдорлик III-V асрлар (куллар, хунармандлар, ижтимоий гуруҳлар)	Геродот, Фукидид, Ксенофонт, Полибий	Дехқонлар (сабзавот маҳсулотларини улоқтириш билан жанг олиб борган), катапульталар ихтиро қилинган
Феодал жамият V- VIII асрлар	Ш.Монтеске, С.М.Соловьев, В.О.Ключевский	Отлиқ аскарлар дубулғалар (рицарлар жанг бошида бир қатор туришни билишган) камон, найза, қалқон, қиличлар, альбарет (рим, греция), хвачха (50 та найза)
Буржуазия жамияти XV-XVIII	Н.Макивелли, Нассаулик Мориц	Тўплардан фойдаланиш
XVIII-XIX	Пётр I, А.В.Суворов, М.И.Кутузов, Г. Л.Лойд.	Қиррали куроллар, Порхли милтиқлар, ривалвель
I-жаҳон уруши (1907-1915)	К. фон дер Голц М.Н.Тухачевский, Б.М.Шапошников, А.И.Егоров, С.С.Каменев	Кимёвий газлар (Испания), артиллерия куроллари
II-жаҳон уруши (1930-1945)	Н.Ф.Феденко, М.П.Столяренко	Механизациялашган армия, йирик авиация, Танк, автомат (Калашников), пистолет (Макаров), Ядро бомбалари (Япония)
XXI аср (1960-2000) ва ҳозирги замон	К.М.Волф, С.К. Гелшелман, В.Н. Полянский	Сунъий йўлдошлар, баллистик ракеталар, дронлар.

Юқоридаги 1-жадвалда келтирилган маълумотлар даврлар кесимида жанговар вазиятларда қўлланилган объектлар ўрганилган ва куролли кучларнинг жанговар қобилятини оширишга маълум даражада ёрдам берган.

Куролли кучларнинг жанговар қобилятини оширишда технологик ва геоахборот таъминотининг устунлигига эришиш, жанговар куролларнинг нафақат душманга нисбатан юқори отишма, маневр ва бошқа хусусиятларини балки, улар устидан жанговар назоратнинг қисқароқ циклини таъминлашда асосий йўналиш бўлиб келган. Ҳарбий тарих тадқиқотчиси Виктор Суворовнинг олиб борган ишлари “Суворовнинг концепцияси” номини олди, Суворовнинг аргументига рус тарихий ҳамжамиятининг кўпчилиги, германиялик (Эрнст Топич, [4. –Б. 212]. Вернер Мазер, Иоахим Хоффман, америкалик Ричард Ч. Раак, Альберт Уикслар концепция тарафдорлари, Павлов И.В., Dr.Gordon Martel, Jörg Echternkamp, Stefan Martens, дипломатик жабҳада Габриел Городецкий ва ҳарбий масалалар бўйича Давид Гланц каби ғарб тарихчилари бу концепцияга қарши чиқишди. Концепциянинг моҳиятидан келиб чиқсак, жанг олиб боришда жой шароити анча қулай бўлиши даркор, курол ва жанговар тайёргарлик иккинчи масала дейилади.

Хитойликлар томонидан 1999-йил “Чегара билмас уруш”, “War. War never change” концепциясини америкаликлар “Герасимов доктринаси” деб юритишади, Клаузевиц

концепцияни қуйидагича талқин қилади: “уруш бошқа воситаларни жалб қилган ҳолда сиёсатни давом эттиради холос, шунингдек, хамелонга ўхшаб табиатини ҳам ўзгартириб туради”[5. –Б. 77]. Полковниклар Квао Лянг ва Ванг Ксянгсуй концепциядан ғалабага эришишнинг энг яхши йўли жанг қилиш эмас балки, назорат қилишдир. Бундан келиб чиқадики, жанг олиб боришда жойнинг тактик хусусиятларидан ориентирланиш, кузатиш, ниқобланиш ва ҳимояланиш хусусиятлари мавжуд бўлса, жанг анча енгил кечади, чунки мавжуд имкониятлар ғалабани белгилайди.

Замонавий шароитда душман устидан устунликни нафақат жанговар воситалар ва ресурслар балки, жанговар воситаларни қўллаш самарадорлиги соҳаси ҳам мавжуд. Бу “тармоққа асосланган уруш” концепциясининг пайдо бўлишини белгилаб берувчи мутлақо янги парадигма бўлиб, у ўз моҳиятига кўра уруш усуллари ўзгартиришга эмас балки, бошқарувга ҳам тегишлидир. Cebrowski, Arthur K. and John J. Garstka [6. – Б. 76], David S.[7. –Б. 182], Коровин В.М. [8. –Б. 32]томонидан “Тармоққа асосланган уруш” (ёки “Network-centric warfare”) концепцияси 2010-йил биринчи марта АҚШ мудофаа вазирлиги томонидан амалиётга киритилган. У “кучлар ва воситаларни тўплаш” концепциясини ўрнига “натижаларни кўпайтириш” концепциясидан фойдаланган ҳолда, душман устидан устунликка эришиш имконини берувчи бошқарув тизимларини такомиллаштиришга асосланган. Бироқ, бу концепцияда ҳарбий муваффақиятга эришиш учун ҳаракатлар, жанговар воситаларнинг имкониятлари атроф-муҳитдан муҳимроқ деб ҳисобланади, у ҳали ҳам жанг, операция ёки урушнинг боришига ва натижада уларнинг якуний натижаларига сезиларли даражада таъсир қилади [9. –Б. 118-119] Яна бир неча концепциялар мавжуд лекин, уларнинг жой билан алоқаси анча йироқдир.

Ҳозирги вақтда ўзаро ҳамкорликни, қўмондонлик ва бошқарувни ташкил этиш, ҳамда курол ва ҳарбий техникадан янада самарали фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилишда рельефни ўрганиш ва баҳолаш учун маълумотларни тайёрлаш, қўшинларни мавжуд топографик-геодезия маълумотлар билан таъминлаш асосий масала ҳисобланади[10. –Б. 65]. Унинг доирасида аниқ геодезик ва гравиметрик маълумотлар, рақамли карталарни тайёрлаш, уларнинг захираларини яратиш, шунингдек, уларни қўшинларга олиб келиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар кўриломоқда. Шу билан бирга, асосий топографик ва геодезик таъминот принципи “олдиндан етакчи” бўлиб қолмоқда. Натижада, ҳатто янги куролли кураш воситалари - юқори аниқликдаги куроллар, аниқлаш ва йўналтиришнинг радиотехник воситалари, навигация воситалари, бошқарувнинг автоматлаштирилган воситалари ва бошқалар пайдо бўлди. Анъанавий равишда картографик, геодезик ва гравиметрик маълумотларни ишлаб чиқиш фақат географик шароит ва тузилманинг ўзгариши билан баҳоланади. Натижада барча ҳарбий ҳаракатлар ҳудудни баҳолашда фақат юқоридаги

маълумотларга таяниб, топографик карталарда вазифалар режалаштирилади, фаолиятни ташкил қилишда тўсқинлик қилувчи ёки фаолият самарадорлигини оширувчи объектлар танлаб олинади ва улар бўйича ҳаракатлар амалга оширилади. И.А.Захаренко: “рақамли карталарда режалаштирилган ҳарбий операцияларнинг ҳақиқий йўналишлари атроф-муҳит таъсири остида жанговар қуроллардан фойдаланиш тасвирланади. Албатта бундай шароитда ҳарбий ҳаракатлар ҳудуди ва атроф-муҳит хусусий (тактик) тасвири алоҳида географик элементлар таркиби кўриб чиқиши, чуқур ўрганишни талаб қиладиган ўзига хос хусусиятларга эга (топографик сиртнинг тузилиши ва унинг элементларининг ҳолати) бўлади. Уларнинг кўриниши, нимадан ясалгани, вақт ўтиши билан ўзгариши, об-ҳаво ва мавсумий ҳодисалар қандай ўзгариши тасвирланади” [11. –Б. 29-30]

Картографик дастурлаш, кўшинларни жойлаштириш, унинг позициясини белгилаш, жанговар вазиятларда устунликка эришиш, умуман ҳарбий соҳа учун жуда муҳим ва аҳамияти тобора ошиб бораётган йўналишлардан ҳисобланади. Картографик дастурлар ёрдамида жойнинг жанговар вазиятини тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у география, ҳарбий соҳа ҳамда замонавий технологиялар кесишган чорраҳада жойлашган. Жанговар ҳаракатлар шаклининг ўзгараётганлиги унинг янги кўринишларда намоён бўлаётганлиги, ҳам индивидуал ҳам гуруҳ бўлиб позицияни эгаллаш шу билан бир қаторда замонавий геоахборот технологиялардан профессионал фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

В.Г.Елюшкиннинг фикрига кўра: “XX-аср охирида уруш саҳналаридаги стратегик операциялар урушнинг янги шакллари ва усуллари билан алмаштирилди. Қачонки, жойдаги узлуксиз чизиқлар ва мудофаа зоналари ўрнига шаҳарлар, инфратузилма объектлари жойлаштирилса, техноген ва табиий офат манбалари ва бошқалар жанговар ҳаракатлар жойига айланади. Йирик ҳарбий гуруҳлардан оммавий фойдаланиш ўрнига алоҳида бўлинмалар махсус тактикадан фойдаланган ҳолда ишлайди, уларнинг муваффақияти қўмондонлик ва бошқарувнинг жанговар циклининг қисқароқ давомийлиги ва душманга нисбатан индивидуал жангчининг имкониятлари билан белгиланади” [12. –Б. 21].

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳар бир даврда бўлиб ўтган жанговар операциялар ўзига хосдир, лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, жанговар техника ва кўшинлар қанча ривожланмасин, уларга қарши тура оладиган техника ва шароит яратиш лозимдир. Айниқса, Ф.Энгельс урушларнинг ижтимоий ҳодиса сифатида вужудга келиш сабаблари масаласини диалектик материализм нуқтаи назаридан тадқиқ қилиб, синфий жамиятнинг шаклланиш даврида армияларнинг пайдо бўлиши ва ҳарбий санъатнинг пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида, урушларнинг ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлиши билан боғлиқлигини,

чегараларни мустаҳкамлаб истехкомлар куришга катта қизиқиш уйғонишини шу билан бирга, бу даврда кузатилган курилиш санъатида кузатилган улкан тараққиёт айна пайтда хавфнинг кучайиши ва химояланиш заруратининг белгиси эканлигини такрор-такрор таъкидлайган, бу эса ўз навбатида биздан хушёр ва ҳар қандай янгиликлардан огоҳ бўлишимиз даркорлигини ёдга олишимиз кеоак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Psihol/abdur/14.php
2. Иванов П.А., Захаров Г.В. “Местность и ее влияние на боевые действия войск” М., Воениздат, 1969. Стр-11.
3. Rolf-Dieter Müller, Hitler's war in the East, 1941-1945. Berghahn Books, 2002. 442-p. Gerd R. Ueberschär Hitler's War in the East, 1941-1945: A Critical Assessment.
4. Overy R. J. Russia's War: A History of the Soviet Effort: 1941-1945. — Penguin Publishing Group, 1998.— 432 p
5. Егор Соколов. Современность войны: Карл Клаузевиц и его теория. Журнал. Философско-литературный журнал «Логос» 2019. 77-стр.
6. Paul T. Mitchell. Network Centric Warfare and Coalition Operations. 2013. 192 Pages ISBN 9780415849043
7. David S. Alberts, John J. Garstka, Frederick P. Stein. Network centric warfare: developing and leveraging information superiority /. 2000. 287 Pages ISBN 1-57906-019-6
8. Коровин В.М. Сетевая война будущего — военный аспект, сетецентричные войны//Третья мировая сетевая война - Санкт-Петербург: Питер, 2014. 165-стр. ISBN 978-5-496-01131-0
9. Чижевский Я.А. Реализация концепции сетецентрических боевых действий в вооруженных силах США. Военная мысль. №3. 2019. 118-119 стр. <https://cyberleninka.ru/article/n/realizatsiya-kontseptsii-setetsentricheskih-boevykh-deystviy-v-vooruzhennyh-silah-ssha>
10. Псарев А.А., Коваленка А.Н., Куприн А.М., Пирнак Б.И. Военная топография / - М.: Воениздат, 1986 г. 384-с.
11. Захаренко И.А. Военная география прошлое и настоящее, Военная мысль № 3, 2001 г. 29-30 стр.
12. Елюшкин В.Г. Геоинформационное обеспечение военных действий . От достаточности к превосходству. — М.: Самиздат, 2-е изд. дополн. и исправл. 2019.- 166 с.